

Фикҳ дарслари (226-дарс) Баъзи нафл намозлар ҳақидаги маълумотлар (учинчи мақола)



19:00 / 13.04.2023 3550

7. Ҳожат намози.

يَفْوَأُ يَبْأُ نُبْ هَلْ لَ دُبَعُ نَع
يَبْنَلَا نَعُ، هُنَعُ هَلْ لَ يَضَر
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلْ لَ يَلَص

هَلَلَا يَلِإِ هَلْ تَنَّاكَ نَمَ لَاق
مَدَّأ يَنَبُّ نَمِ دَحْأ يَلِإِ وَأُجَاح
نَسْحُيْلَفُ ، أَضَوْتَيْلَفُ
لَصُيْلُ مُمُثُ ، ءُوضُؤلَا
يَلَعِ نُنُثُيْلُ مُمُثُ ، نُنِيَتَعُكَّرُ
يَبُّنَلَا يَلَعِ لَصُيْلَوِ هَلَلَا
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصُ
هَلَلَا إِإِ هَلِإِ أَلُ : لُقَيْلُ مُمُثُ
نَاخُبُسُ ، مِيرَكُلَا مِيلَخُ لَا
مِيظُعُ لَا شَرَعُ لَابَرِ هَلَلَا
نَمِلَاعُ لَابَرِ هَلَلَا دُمَخُ لَا
كُتَمُخَرِ تَابِجُومُ كُتَلَأَسَا
مَمِينَعُ لَأَوُ ، كُتَرَفُعَمُ مَمِيَأَزَعُو

نَمَّ مَآلُ سَلَاوٍ رَّبِّ لُكْ نَمَّ
إِلَّا أَبْنَذِي لُغَدَاتِ آلٍ مِّثْلِ لُكْ
هُتَّ جَرَفِ آلِ أُمِّهِ آلٍ وَهُتَّ رَفَغِ
إِلَّا أَضْرَكَ لَيْهِ هَجَاحِ آلٍ وَ
نِي مَحَارِلِ مَحْرَأِ أَيَّ هَاتِي ضَقِ
هَجَامُ نُبَاوِي ذِمَّرْتِ لَأُ هَاوَرِ

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг Аллоҳга ва Бану Одамдан бирортасига ҳожати бўлса, яхшилаб таҳорат қилсин, сўнгра икки рақъат намоз ўқисин. Кейин Аллоҳга сано ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтсин. Сўнгра:

«Ҳалийму Карийм Аллоҳдан ўзга ҳеч илоҳу маъбуд йўқ. Улуғ Аршнинг Робби Аллоҳ покдир. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Мен Сендан раҳматингни вожиб қилувчи, мағфиратингни тақозо қилувчи нарсаларни ва ҳар бир яхшиликдан ғаниматни, ҳар бир ёмонликдан саломатни сўрайман. Менинг ҳеч бир гуноҳимни қўймай мағфират қилгин, ҳеч бир ғамимни қўймай кушойиш қилгин, Ўзинг рози бўлган ҳеч бир ҳожатимни қўймай, албатта чиқаргин. Ё Арҳамар Роҳимийн», десин», дедилар».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Имом Ибн Ҳажар: «Бу намозни шанба куни саҳар ўқиб, талаби ҳожат қилиш мандубдир, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким шанба куни эрталаб талаби ҳожат қилса, талаби ҳал бўлади. Унинг ҳожати

раво бўлишига мен зоминман», деб марҳамат қилганлар», деган.

Албатта, дуонинг арабча матнини ёдлаб олган яхши.

8. Тавба намози.

لَا أُقِ هُنَّ عَلَّالٍ يَضْرِبُ يَلْعَ نَع
نَمْ تُعَمَّسَ إِذَا لُجْرُ تُنْكَ يِّنَا
هَلَلَا يُّلَّصَ هَلَلَا لُوسَر
يَنْعَفَنَ أَثِي دَحَ مَّ لَسَوِ هَيْ لَع
نَأْءَاشَ أَمْبُ هُنْمُ هَلَلَا
يَنْتَدَحَ إِذِإُو، هِبَ يَنْعَفَنِي
هَبْ أَخْصَأُ نَمْ لُجْر
يَلَفَلَحَ إِذِإِفُ، هُتَفَلَحَتْ سَا
وَبَأُ يَنْتَدَحُ هُنْإُو، هُتَقِدَّص
تُعَمَّسَ: لَأَقُ قِدَاصَ وَهَوِ رُكَّاب
هَلَلَا يُّلَّصَ هَلَلَا لُوسَر

نَمَّامٌ لُّوْقِي مَلَسَوِ هِيَلَع
 مَوْقِي مُمْتٌ، أَبْنَذُ بِنْدِي لُجَر
 مُمْتٌ، يِلَصِي مُمْتٌ، رَهَطَتِي ف
 رَفَعِ الْإِهْلُا رَفَعَتْ سِي
 هِيَالِ هَذَهْ أَرْقِ مُمْتٌ، هَلْ هَلْا
 رَخَا يَلِا
 نُبَاوِي ذِمْرَتِا هَاوَرِ هِيَالِا
 هَجَامٌ

أَلْتَارَ اللَّهُ نِعْمَتَ وَأَذْكُرُوا تَفَرَّقُوا وَلَا جَمِيعًا اللَّهُ بِحَبْلِ وَأَعْتَصِمُوا ﴿١٠٠﴾ مُسْلِمُونَ وَأَنْتُمْ إِلَّا أَنْتُمْ

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мен қачон Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитсам, Аллоҳ менга ундан Ўзи хоҳлаганича наф берадиган одам эдим. Қачон у зотнинг саҳобаларидан бири менга ҳадис айтса, мен ундан (гапи тўғрилигига) қасам ичишни талаб қилардим. Агар у қасам ичса, (гапини) тасдиқ қилардим. Менга Абу Бакр бир ҳадис айтди. Зотан, у содиқдир:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Қайси бир одам гуноҳ қилиб қўйиб, сўнгра туриб, таҳорат қилиб намоз ўқиса, кейин Аллоҳга истиғфор айтса, албатта, Аллоҳ уни мағфират қилади», деганларини эшитдим. Сўнгра у зот «Улар қачон фаҳш иш қилсалар ёки ўзларига зулм қилсалар, Аллоҳни эсларлар ва гуноҳларига

истиғфор айтурлар», оятини охиригача қироат қилдилар», деди».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Аслида тавба намозсиз ҳам, хоҳлаган пайтда бўлиши матлуб. Лекин намоз ила бўлгани кучли ва қабули осондир. Намоз мўминнинг силоҳи, дейилгани ҳам шундан. Мўмин киши намоз ила ҳар қандай қийин нарсага ҳам осонлик билан эриша олади. Ожиз банда гуноҳ иш қилиб қўйса, иймони уни дарҳол тавбага чорлаши зарур. Қилиб қўйган гуноҳи учун афсусда қолган мўмин инсон дарҳол таҳорат қилиб, тавба намози нияти ила икки рақъат намоз ўқиб олишга ўтмоғи лозим. У гуноҳига надомат қилиб, намозида чин қалбдан тавба қилиб, Аллоҳга роз айтиб, бу гуноҳни бошқа қайта қилмасликка қатъий аҳд қилса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини мағфират қилади.

9. Аввабийн намози.

Бу намоз шом намозидан кейин ўқилади ва олти рақъат бўлади. Аввал тўрт, кейин икки рақъат ёки икки-икки рақъатдан қилиб ўқилади.

Аллоҳ таоло Исро сурасида:

﴿عَفُورًا لِلْأَوَّابِينَ كَانَتْ فَائِدَةٌ﴾

«Албатта, У сертавбалар учун сермағфиратдир», деган (25-оят).

ذُنُوعِ رَسَائِي نُبِ رَامَعُ نَعَو
يَلَصَّ يَبْنَلَانِي نَارَبُّ طَلَا
نَمَّ لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَعُ هَلَلَا
تَسْبِرَعُمُ لَادَعَبُ يَلَصَّ
وَلَوْ هُبُونُ ذُهُلُ تَرْفُغُ تَأَعَكَر

رُحْبُلًا دَبَزَلْتُ ثُمَّ تَنَّاكَ

Имом Табароний Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким шомдан кейин олти рақъат намоз ўқиса, агар денгиз кўпигича бўлса ҳам, гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар».

هُلَّلَا يَضَرَّ رَمْعٌ نُبَا نَع
هُلَّلَا لُؤْسَرَلَا قَلَا قَامُهُ نَع
نَمَّ: مَلَسَ وَهِيَ لَعُهُلَّلَا يَلَّص
تَسَبَّرَعُمُّ لَادَعَبُ يَلَّص
نَبِيَّ أَوْلَا نَمَّ بَتُّكَ تَاعَكَر

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким шомдан кейин олти рақъат намоз ўқиса, аввабийнлардан (тавба қилувчилардан) деб ёзилур», дедилар».

10. Таҳажжуд намози.

Бу намознинг ози икки, кўпи саккиз рақъатдир.

Аллоҳ таоло:

«Кечанинг баъзисида у ила бедор бўл. Сенга нофила бўлсин. Шоядки, Роббинг сени мақтовли мақомда тирилтирса», деган (*Исро сураси, 79-оят*).

Ушбу оят ила таҳажжуд намозига тарғиб қилиш Қуръонда келгани эслатилмоқда. Кечаси бир ухлаб туриб ўқиладиган намоз таҳажжуд намози деб аталади.

Шунингдек, бу намозни «қиём намози» деб ҳам айтилади. Аввал бошда бу намоз вожиб бўлган эди. Бир йилдан кейин вожиблиги насх қилинган.

هُلِّلَا يَضَرَّ ءَمُّا يَبَّأ نَع
يْلَصِ هَلِّلَا لُؤْسَرُ نَع، هُنَّع
لَاقَ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلِّلَا
لِيْلَلَا مَآي قَبُ مَكِّيْلَع
نِي حَلَّأَصْلَا بَأْدُ هُنَّإْف
يْلَا ءَبْرُقَ وَهَو، مَكَلْبَق
تَآئِي سَلَلْ ءَرْفَكَمَو، مَكِّيْبَر
ءَيَّأَوْرِي فَو، مَثِإِلْ ءَاهَنْمَو
دَسَجَلَا نَعِ ءَادَلْ ءَدْرَطَمَو

مَكَاحُ لَأَوْ دَمْحُ أَوْ يِذِمْرَتُ لَأَوْ هَأَوْر

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга кечанинг қиёми лозимдир. Чунки у сизлардан олдинги солиҳларнинг одатидир. У Роббингизга қурбатдир. У ёмонликларга каффоротдир. У гуноҳларни қайтарувчидир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«У жисмдан дардни қувувчидир», дейилган.

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.